



## ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 декабрь куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Қирғизистон етакчисини таваллуд куни билан самимий қутлаб, мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, қардош Қирғизистон халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади.

Олий даражадаги келишувларга мувофиқ Ўзбекистон — Қирғизистон янги қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустақамлашиб бораётгани, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Яқинда муҳим икки томонлама ҳужжатлар — Давлат chegarасининг алоҳида участкалари тўғрисида шартнома ва Андижон сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисида битим имзолангани ва ратификация қилингани амалий ҳамкорликнинг чуқурлашишига, давлатларимиз ва бутун минтақанинг барқарор ривожланишига хизмат қилиши таъкидланди.

ЎЗА

Бундан ташқари, ўзаро савдо кўрсаткичлари ошиб бормоқда — йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард долларга етди. Ўзбекистон — Қирғизистон тараққиёт фонди ўз фаолиятини бошлади, sanoat, энергетика, электротехника, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларда бир қатор кооперация лойиҳалари биргаликда амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” темир йўли ва Қамбарота гидророзлектр станциясини қуриш бўйича йирик минтақавий лойиҳаларга фаол тайёргарлик кўрилмоқда.

Давлат раҳбарлари бўлажак мулоқотларнинг кун тартибини сифат жиҳатидан бойитиш мақсадида савдо шартномалари ва инвестиция дастурлари портфелини кенгайтириш муҳимлигини қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

## НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРДА АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ОШИРИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев нотариал жараёнларда аҳолига қулайликларни оширишга оид тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда нотариусларда давлат божи ставкалари жуда кўп тоифаларга ажратилгани сабабли уларни ҳисоблашда ноқулайликлар туғилмоқда. Хусусан, автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ шартномаларни тасдиқлаш учун давлат божи 12 та, кўчмас мулк, гаров, ипотека ва лизинг шартномалари бўйича 6 та тоифага бўлинган.

Шу боис, давлатимиз раҳбари нотариал ҳаракатлар тизимини содда-лаштириш ва аҳолига қулайликларни ошириш вазифасини қўйган эди. Шунга асосан “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, нотариал ҳаракатлар учун ундирилмаган давлат божларининг ставкалари оптималлаштирилмоқда.

Масалан, ҳозирда давлат божи ставкаларини ҳисоблашда уй-жойнинг майдонига, автомобилотранспорт воситаларининг двигател қуввати ва ишлаб чиқарилган йилига қаралади. Энди бу борадаги тоифалар қисқартирилиб, ставкалар бириктирилмоқда, айримлари камайтирилмоқда.

Жумладан, кўчмас мулк бўйича олди-соти шартномаларини нотариал тасдиқлаш учун давлат божи, унинг майдонидан қатъи назар, Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят мар-

казларида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари, бошқа жойларда 0,5 баравари миқдоридан, энг паст ставкада белгиланмоқда.

Гаров, ипотека, лизинг ва қарз шартномаларини нотариал тасдиқлаш учун табақалашган божлар бириктирилиб, ягона ставка ўрнатилмоқда.

Автомобилотранспорт олди-сотдисини нотариал тасдиқлашда, двигател қуввати ва ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, бир хил ставкада — базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдоридан бож ундирилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, мол-мулкни ижарага бериш ёки ундан текин фойдаланиш, автомобилотранспорт бўйича ишончнома бериш каби келишувларни нотариал тасдиқлаш учун бож миқдори камайтирилмоқда. Фуқаронинг шахсий жамғириб бориладиган пенсия таъминотига нисбатан меросхўрга гувоҳнома бериш учун давлат божи бекор қилинмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши нотариал жараёнларни осонлаштиришга, турли ноаниқлик, низо ва коррупция ҳолатларини бартараф этишга хизмат қилади. Йилига 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ аҳоли ихтиёрида қолади.

ЎЗА

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



Бундан ўттиз йил муқаддам ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянилган ҳолда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари акс эттирилган, демократия ва ижтимоий адолат тамойиллари сингдирилган, ўзбек халқининг кўп асрлик хоҳиш-иродасини ифода этувчи Конституциямиз қабул қилинган эди.

Давоми 3-бетда

## МУНОСАБАТ

Бу халқаро тадбирни ўтказиш ташаббусини Президентимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2021 йил 22 февралдаги 46-сессиясида илгари сурган ва “Осиё қитъасининг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмининг мунтазам фаолият кўрсатадиган платформа — Самарқанд форуми негизда яратиш борасида кўмак беришга тайёрмиз”, деган эди.

## ЯНГИ ҲАРАКАТЛАРГА ДАЪВАТ

5-6 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ САМАРҚАНД ШАҲРИДА “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ” МАВЗУСИДА ГЛОБАЛ ФОРУМ БЎЛИБ ЎТДИ



Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларациянинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Самарқанд глобал форумида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда соҳага доир жаҳон таълим дастурини амалга ошириш натижалари сарҳисоб қилиниб, халқаро, минтақавий ва миллий даражаларда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш бўйича ўзаро фикр алмашилмоқда.

Асримизнинг глобал муаммоларидан бирига айланган коронавирус

пандемияси шароитида дунёда таълим бериш шакли ва моҳиятида жиддий ўзгаришлар кузатилади. Тахминан 1,5 миллиард, яъни дунёдаги барча бошланғич, ўрта ва олий таълимда тахсил олувчиларнинг қарийб 90 фоизи анъанавий таълим шаклини тўхта-тишга мажбур бўлди.

Улар масофавий ўқитиш шаклига ўтди. Бу эса минглаб олий таълим муассасаларида юқори сифатли таълим технологиялари ва рақамли имкониятларнинг кенг жорий этилишига хисса қўшди.

Давоми 2-бетда

## БУНЁДКОРЛИК

# УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИНГ МУЛЬТИПЛИКАТИВ САМАРАСИ

Бугунги кунга келиб дунё аҳолиси сони 8 миллиарддан ошди. Табиийки, турли миллат ва элатдан таркиб топган замондошларимизнинг фитрати, қадриятлари, турмуш тутуми бир-бирдан фарқ қилади, ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари бор. Тинчликсеварлик, меҳроқибат, меҳмондўстлик, меҳнаткашлик каби фазилатлари билан ажралиб турувчи ўзбек халқининг ҳам фақатгина ўзимизга хос жиҳатлари талайгина. Ватан ичра ватан, яъни уй-жойли бўлиш ана шу ўзига хосликнинг энг олдинги қаторидан жой олган сифатларидан биридир.

Давоми 4-бетда



## ОБОД МАҲАЛЛА

ҲЕЧ БИР ФУҚАРО МУАММОЛАРИ  
БИЛАН ЁЛГИЗ ҚОЛМАСЛИГИ ЛОЗИМ



2-бетга қаранг.

## МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

ЖАҲОН САҲНАСИДА ЯНГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МАҚОМИНИ  
КЎТАРИШ ДАВР ТАЛАБИДИР

Ҳар бир халқнинг тарихи ва маданиятига қизиқувчи ўз мухлислари, тадқиқотчилари мавжуд. Бугунги ахборот технологиялари тараққий этган даврда интернет воситасида қийналмасдан турли маълумотлар ола бўлади. Айниқса, 2001 йил эркин, кўп тилли Википедия — универсал интернет энциклопедия пайдо бўлиши дунё давлатлари ва халқларига оид маълумотларни бир зумда олиш имкониятини берди. Бинобарин бу маълумотлар кўнгиллилар томонидан киритилган. Википедия низомида муаллифларга ўз ахборотини киритишга тўлиқ эркинлик берилган. Нотўғри берилган маълумотларни тузатиш учун бошқа кўнгиллилар ҳам руҳсат берилади. Шу даврдан эътиборан Википедияда рус ва инглиз тилларида Ўзбекистон ҳақида маълумотлар пайдо бўла бошлади.

Давоми 5-бетда



ТАРАҚИЁТ ЙЎЛИ

БОШ ҚОМУСИМИЗ —

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИМИЗ



Убайдулла МИНГБОВ, Ўзбекистон судьялар ассоциацияси раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Қонунларимиз асосининг яратилиш тарихига назар солар эканмиз, тўқсонинчи йилларда юз берган ўтиш давридаги қалтис ва мураккаб вазиятда ҳар томонлама ўйлаб, баъзида кескин ва муросасиз баҳслар юзга келса-да, янада мулоҳазакорлик билан инсон ҳуқуқи ва манфаатлари, эркинликларини адолатли тарзда муҳофаза қиладиган Конституция яратилганини кўрамиз.

Адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришининг дастлабки қадамларидан бири бўлган, фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасини ифода этадиган мустақил Ўзбекистон Конституциясини яратиш ва ҳаётга татбиқ этишдек муҳим сиёсий жараёнларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам Олий Кенгаш депутаты сифатида Конституциявий комиссия таркибидан иштирок этган эди.

Бош қонунимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида қизгин тортишувлар билан кечган баҳс-мунозаралар хусусида Президентимиз ўз чиқишларининг бирида, “У икки марта — 1992 йилнинг сентябрь ва ноябрь ойларида умумхалқ муҳокамасига қўйилган вақтда юрдошларимиз фаол иштирок этиб, лойиҳалар юзасидан кенг жамоатчилик томонидан мамлакатимизнинг тараққиёт йўли, унинг келажагига дахлдор кўлаб фикр-мулоҳазалар ва асосланган тақлифлар билдиргани сабабли ҳам ҳозирги мазмун ва шаклга келган, дея таъкидлаган эди. Умумэтироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва бой давлатчилик таъриби Конституциямизга синдирилганди.

Тараққиёт сари дадил оидмлаётган ҳар қандай давлатнинг устуни саналадиган Конституциянинг туб ўзаги тузук ёки тузилишдир. Қудратли салтанат барпо этишда шариат қонунлари таяниб давлатчилик сиёсати юритилган, Шарҳ ва Осие мамлакатлари цивилизациясига муносиб хисса қўшган буюк саркарда Амир Темури бобомизнинг “Темури тузуқлари” Конституцияимизнинг айрим моддаларида ҳам шаклан, ҳам маънодан акс эттирилган, десам муболага бўлмайди.

“Темури тузуқлари”даги: “Салтанат тўнини кийгач, адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим. Гуноҳқорга ҳам, беғуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Фуқаро ва қўл остидагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар уладим. Уламолар билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли тоза қалбли кишиларга талпиндим. Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим. Ақлли кишилар, кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор, қатъиятли арбоблар, кейинни ўйлаб, олисини кўриб иш юритувчи кекса ва таърибли кишиларни мажлисларимга киритиб уларнинг суҳбатларидан таъриба ҳосил қилдим”, деган битиклар ўрта асрлардаёқ Амир Темури бобомиз ҳаётий зарурат туфайли қатъий қонунлар яратганидан далолат беради.



Конституцияимизда ҳам давлат тузилиши, ҳокимият ва бошқарув органлари тизими, уларнинг ваколати, шакллантирилиши тизими, уларнинг ваколати, шакллантирилиши тартиби, сайлов тизими, ташқи сиёсат, фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликлари, жамият ва шахс ҳамда жамиятнинг ўзаро муносабатлари, суд тизими

тўғрисидаги нормалар қатъий тартибда белгилаб қўйилган. Конституциянинг 11 моддадан иборат “Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти” деб номланган ХХII боби бевосита суд тизимига бағишланган. 106-моддада “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиш” белгилаб қўйилган бўлса, 112-моддада “Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунди. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир таразда аралашушига йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланган”, деган қонун қиритилган.

Президентимизнинг тақлиф ва ташаббуслари билан жорий йилда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — “Жамият — ислохотлар ташаббускори” ғояси асосида Конституцияни бугунги давр талабларига мос равишда такомил-

лаштиришга доир ҳаракатлар, сиёсий ислохотлар ўтказилмоқда. Давлатимиз раҳбари конституциявий ислохотларнинг бугунги кундаги заруратига қисқача тўхталар экан: “Бугунги кун ҳамда келгусида давлат ва жамиятда инсоннинг ўрни, давлат ва жамият фаолиятидаги устувор сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-гуманитар тамойиллар, аҳоли фаровонлиги ҳамда жамият ва давлат тараққиғини таъминлашда конституциявий ислохотларнинг аҳамиятини аниқлаб олиш давр тақозоси ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, асосий қонунимизни бугунги ҳаёт талабларига мос ҳолда янгиланиш талаб этади”, деганди. Бунинг учун кенг жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда Конституцияга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ва ташкилий чора-тадбирлар амалга ошириш юзасидан депутатлар, сенаторлар, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан вакиллар, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар ва бошқа мутахассислардан иборат Конституциявий комис-

сия тузилди. Конституциявий комиссия аъзолари олдида янгиланаётган Конституцияда халқчиллиги билан мамлакатнинг узоқ мuddатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиш, айниқса, “Инсон қадри учун” ғояси ҳамда ҳозирги ислохотларнинг бош тамойили бўлган “Инсон — жамият — давлат” ёндашувини унинг мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаётда бош қадриятга айлантириш вазифаси қўйилди.

Барпо этилаётган Янги Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи инсон қадри ва халқ манфаатларини устувор вазифаси этиб белгиланаётган конституциявий ислохотларни Ўзбекистон судьяларининг оқсоқоли сифатида тўлиқ кўлаб-қувватлайман. Ислохотларнинг долзарб бугунги бўлган қонун ва адолатнинг устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислохот этиш борасида стратегик қадамлар кун сайин илдамроқ ташланаётган Янги Ўзбекистонда давлат ва жамиятни тубдан модернизация қилиш, суд мустақиллигини таъминлаш, одил судловга тўла эришиш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш борасида Конституциянинг ўрни нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканини ҳар қачонгидан кўра, кўпроқ ортага қайтмайди диган ислохот сифатида ҳис қилмоқдамиз. Конституция — бизни жамиятимиз тараққиётига, ватанимиз келажагига етакловчи йўлчи юлдузимиз. Шу боис, конституциявий бурчларимизни қатъиятлик билан бажариш ҳар биримизнинг кундалик вазифамизга айланмоғи даркор.

ЖАМИЯТ — ИСЛОХОТЛАР ТАШАББУСКОРИ янгиланаётган Конституциямиз бу ғоянинг ҳуқуқий механизмини мустаҳкамлайди

Мамлакатимизда конституциявий ислохотлар жараёнида “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи — халқдир”, деган демократик тамойилга таянган инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган амалий ҳаракатдир. Бунда асосий мақсад ҳар бир ватандошимиз “Янги Ўзбекистон Конституцияси — менинг Конституциям”, дея юксак ғурур билан айта олишига эришишидир.

Мухтабар ҲУСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, юридик фанлари номзоди

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси Конституциявий комиссия аъзолари, Қонунчилик палатасидаги масъул кўмиталар ҳамда экспертлар ва мутахассислар иштирокида қизгин муҳокамадан бир зум бўлса-да тўхтагани йўқ, катта салоҳият билан маромига етказилмоқда.

Ҳали-ҳамон конституциявий қонун лойиҳасига фуқароларимиздан, мутахассис, экспертлар, шунингдек, хорижда яшаётган юрдошларимиздан келиб тушаётган тақлиф ва мулоҳазалар оқими тўхтамаётгани, энг аввало, кенг кўламли ислохотларга ишончдан, миллий тараққиётимизнинг олий юридик асосларини белгилашдаги масъулиятдан далолат бермоқда.

Биргина “Жамият — ислохотлар ташаббускори” ғоясини конституциявий даражада мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақидаги тақлиф кўлаб фуқароларимиз томонидан келиб тушган эди. Шунга асосан, қонун лойиҳасида янгиланаётган Конституцияимизнинг 83-моддасини такомиллаштиришга оид бир қанча демократик қонунлар киритилмоқда.

Жумладан, конституциявий қонун лойиҳасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган, юз мингдан кам бўлмаган фуқаролари, Олий Мажлис Сенати, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Марказий сайлов комиссияси қонунчиликка оид тақлифларини Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибидан киритишга ҳақли бўлади. Қонун лойиҳаларини, қонунчиликка оид тақлифларни киритиш ва кўриб чиқиш тартиби қонун билан белгиламоқда.

Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки фаоллашгани ислохотлар самарадорлиги ошишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Барча тақлиф-мулоҳазалар тегишли масъул кўмиталар томонидан ўрганлиб,



аксарияти қонун ижодкорлиги жараёнида инобатга олинган. Жумладан, Меҳнат, Оила, Солиқ, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги, “Давлат божи тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Бундан кўра, биринчидан, фуқаролар томонидан парламентга қонунчиликни такомиллаштириш бўйича келиб тушган тақлифлар, асосан, ижтимоий ҳаётда бевосита ўзлари дуч келган ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлиб, ҳуқуқий тартибга солиниши зарур бўлган “бўшлиқ”ларни бартараф этишга қаратилган. Иккинчидан, мазкур тақлифлар парламент аъзолари учун ҳам қонун ижодкорлигини самарали амалга оширишга, пироваврида, халқчил қонунларнинг қабул қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи институти Австрия, Испания, Италия, Швейцария, Филиппин каби мамлакатлар конституцияларида назарда тутилган. Улардаги умумий талаб шуки, халқ ташаббуси асосида қонун лойиҳасини киритиш учун тегишли

миқдордаги сайловчилар имзоси тўпланган ва нотариал тасдиқланган бўлиши лозим. Масалан, Швейцария, Венгрия, Италияда 50 минг сайловчининг имзоси, Польшада 100 минг, Испанияда 500 минг, Колумбияда сайловчилар умумий сонининг 5 фоизи имзоси тўпланиши лозим. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси қонунчилик техникаси асосида тегишли равишда расмийлаштирилиши шартлиги хусусида ҳам талаблар ўрнатилган. Бу ҳуқуқни амалга оширишда баъзи чекловлар мавжуд. Масалан, Руминия Конституциясида фискал муаммолар, халқро характердаги масалалар, амнияти ва афв этиш масалалари фуқаролар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг предмети бўла олмаслиги қайд этилган.

Ҳуқуқий ислохотлар натижасида тўпланган таъриба ҳамда ривожланган давлатлар қонунчилиги таҳлили асосида келгусида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фуқароларнинг қонунчиликка оид тақлифларини киритиш ҳуқуқини таъминлашга доир махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш лозим. Бунда қонунчиликка оид тақлиф киритишнинг тартиби, тамойиллари, шакли, кафолатлари белгилашни муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) қонунчилик бўйича парламент тақлиф киритиш ҳуқуқи демократик институтларнинг бир тури сифатида конституциявий қонун лойиҳаси билан белгиланаётгани мамлакатда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур. Инсон ҳуқуқлари таъминлигини мониторингини олиб борувчи субъектга қонунчиликдаги бўшлиқлар янада аққопроқ намоён бўлиши табиий.

Бундан ташқари, омуздасман ҳам фуқароларнинг мурожаатларини бевосита кўриб чиқувчи, тахлил қилувчи, давлат ваколатларига эга идора, шу билан бирга, парламент палаталарига ҳисоб берувчи орган ҳисобланади. Қолаверса, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш имконияти (ижроия аппарати), ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилини олиб борувчи тузилмалар (омбудсманнинг ҳудудлардаги вакиллари) мавжуд.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Бош қонунимизга киритилаётган бундай қонунлар “фуқаро — жамият — давлат” манфаатлари муштараклигини таъминлайди. Жамиятда турли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш, вужудга келмаётган ҳуқуқий бўшлиқларни ўз вақтида бартараф этиш вазифасини ўтайди. “Жамият — ислохотлар ташаббускори” тамойилининг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлайди.

КўП ВОР ТАЪКИДЛАНГАНДЕК, КОНСТИТУЦИЯ ЎЗГАРМАС, ҚОТИБ ҚОЛГАН ҲУЖЖАТ ЭМАС, АКСИНЧА, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТДА ТУРЛИ ИЖТМОЙ МУНОСАБАТЛАР ЎЗГАРИШИ БИЛАН, ИНСОНЛАРНИНГ ЗАРУР ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ВА ИЖТМОЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШ МАҚСАДИДА ҲАМ У ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ТАРЗДА ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАВЕРАДИ.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ЎЗГАРИШЛАР

Умид ИСКАНДАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ўқитувчиси, подполковник

Ҳар бир даврнинг ўз руҳи бўлади. Кейинги йилларда “Янги Ўзбекистон руҳи” деганда, фаровон турмуш тарзи йўлидаги қудратли интилишларни, шунга монанд мисли кўрилмаган тарихий эврилишларни ҳар биримиз ўз ҳаётимизда сезяпмиз. Бугун эса ана шу юқалиш даврининг иккинчи босқичи — “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” йўл олдик.

Бугун шулар ҳақида ўйлар эканмиз, ислохотлар самарадорлиги, аввало, ҳуқуқий пойдевор билан боғлиқ эканини англаб етляпмиз. Негаки, бошланган катта ташаббуслар ҳуқуқий асосланган бўлсагина, унинг умри давомли бўлади ва қўзланган мақсадларга эришилади.

Шу боис, мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқларнинг ҳуқуқий пойдевори — Конституциямизга янги руҳ ва халқчил кайфият бағишлаш, аввало, бугунги ва эртанги ҳаётимиз асоси эканини тушунамиз.

Ўтган йиллар давомида халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қондалари устуниги ҳамда юксак демократик ва умуминсоний тамойилларни ўзида мужассам этган Асосий қонунимиз халқимиз ҳаётида том маънодаги ҳуқуқий ҳужжатга айланди.

Янги Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўли танланган, конституциявий тамойилларни ўзгариштириш зарурати ҳам юзга келди. Бу табиий ҳол эди, албатта. Чунки кечаги замон руҳи бугунги давр ислохотларига мос келмай қолди. Мамлакатимизда ҳам ички, ҳам ташқи сиёсий муҳит ўзгарди, мақсад одамларга муносиб турмуш шароити яратишга қаратилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, дунёдаги демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Шу нуқтанга назардан, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, “Бош қонунимизни чуқур ўрганиш, англаш, ҳаётга татбиқ этиш ва унга сўзсиз амал қилиш — барчамизнинг шарафли бурчимиздир”.

Кўп бор таъкидланганидек, Конституция ўзгармас, қотиб қолган ҳужжат эмас, аксинча, жамият ва давлатда турли ижтимоий муносабатлар ўзгариши билан, инсонларнинг зарур ҳуқуқий билим



ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳам у замон билан ҳамнафас тарзда такомиллашиб бораверади.

Конституцияга ўзгариштириш киритишнинг алоҳида мураккаб тартиби унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Ўтган 30 йил ичида Конституциямизга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларни таҳлил қилсак, улар ижтимоий ҳаётни, давлат қурилиши ва бошқарувини янада демократлаштиришга, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтиришга қаратилганини кўрамиз. Чунки давлат бошқарувини демократлаштириш, ҳокимият бўлишини принципларини ҳаётга янада кенг жорий этиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш асосий масалалар сифатида белгиланди.

Конституциямиз 30 йил давомида ижтимоий ҳаёт ривожига, халқ манфаати ҳимоясига қанчалик таъсир қилган бўлса, ўз навбатида, жамиятдаги ислохотлар Бош қонунимизнинг ўзини замонга мослаштириши ҳам талаб қилмоқда.

Токи биз ўз олдимишга жамиятимизнинг янги қиёфасини шакллантириш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш вазифасини қўйган эканмиз, бу йўлда стратегик мақсадларни амалга ошириш учун, албатта, унинг ҳуқуқий асоси, яъни Конституцияимизни янгиланиши зарур бўлади.

Янгиланаётган Конституцияимиз ҳар биримизнинг ҳаётимизда алоҳида аҳамият касб этади. Бундай дейишга тўла асосларимиз ҳам бор. Шу кунларда конституциявий қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасида бўлиб тургани, бу жараёнда билдирилаётган муносабатлар, барча тақлифлар қўл билан ўрганиб чиқилаётгани шундан далолат.

# УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИНГ МУЛЬТИПЛИКАТИВ САМАРАСИ



**Исломбек ДАВЛЕТОВ,**  
иқтисодий фанлари  
номзоди, профессор

Бошланғич 1-бета

Жамиятимиз тафаккури, орзу-умидларидан ҳар бир шахснинг уй-жойли бўлиши муҳим ўрин эгаллайди. Шу маънода, сўнгги йилларда уй-жой қурилиши ва ундан фойдаланишни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани, аввало, халқимизнинг ана шундай эзгу орзу-умидлари рўёбига хизмат қилаётгани, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида инсон кадрини улуғлашга йўналтирилган ислохотларнинг амалий ифодаси ўлароқ муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

## Уй-жой қурилиши кўлами кенгайди

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш нафақат асосий ижтимоий муаммо, балки инсонларнинг нормал ҳаёт кечиришини белгилаб берувчи мажбурий атрибутлардан биридир. Афсуски, яқин-яқингача бу борада мақтанлиш тугул айтишга арзирли натижамиз йўқ эди. Турри, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида янги массивлар барпо этилди, шаҳарларимизда ҳам оз бўлса-да, кўп қаватли уйлар қурилди. Лекин бу қурилишлар, аввало, уй-жойга эҳтиёжманд қатлам вакиллариининг иқтисодий имкониятларига мос эмаслиги, қолаверса, умумий талабга нисбатан тақлиф кам экани сабабли ҳам уй-жой эҳтиёжи билан боғлиқ муаммоларга ечим бўла олмади.



Уй-жой қурилиши борасидаги ижобий ўзгаришлар ушбу соҳага устувор аҳамият қаратила бошланган кейинги йиллардагина яққол кўзга ташлана бошланди. Бунини, аввало, 2021 йилгача бўлган 4 йил мобайнида 140 мингта уй-жой барпо этилгани, бу аввалги даврдаги кўрсаткичдан 4-5 баравар кўп экани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Фармон билан ўша йилнинг ўзидаёқ Фаргона вилоятининг Бағдод туманида илк Янги Ўзбекистон массиви қурилишига киришилган бўлса, жорий йилда 29 маҳаллада 21 минг 312 хонадонли 619 та уй барпо этиляпти.

Маълумотларга кўра, 2022 йил 1 апрель ҳолатида Ўзбекистонда доимий аҳоли сони 35,4 миллион нафарни ташкил этган. Келгуси беш йилда эса 38 миллионга етиши кутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уй-жойга талаб мунтазам охири боришидан далолат беради. Ана шу нуқтага назардан олиб қаралганда, Янги Ўзбекистон массивлари муҳим аҳамиятга эга, албатта. Негаки, келгуси беш йилда айнан шундай массивларда 250 мингдан зиёд оилга уйлар қурилиши мўлжалланган.

Умуман олганда, мамлакатимизда асосий фондларни ишга тушириш кўрсаткичлари уй-жой қурилиши ҳисобидан ҳам жадал ўсиб бормоқда. Жумладан, 2021 йилда уй-жойларни фойдаланишга топшириш 2010 йилдагига нисбатан 1,6 баробар ошди. Уй-жой қурилишига йўналтирилган инвестициялар ҳажми ҳам мос равишда 10,3 баробар ўсди. Пировадиди, 2021 йил якунига кўра юртимизда уй-жой фонди умумий майдони 636,4 миллион квадрат метрга етди.



Шу ўринда қайд этиш лозимки, бугунги кунда қурилиш соҳасида 1,5 миллионга яқин қурувчи фаолият юритмоқда. 2021 йил 1 июнь ҳолатига кўра, қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони 43,3 мингтага етди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 мингтага кўп.

Бир сўз айтганда, уй-жой қурилиши тармоқнинг локомотиви бўлиб қолмоқда. Чунки айнан уй-жой сектори коронавирус пандемияси йўқотишлари нини қисқа фурсатларда энгиз ўтиб, ўсиш босқичига кирди.

## Таннархни арзонлаштириш бошқа тармоқ ривожига йўл очди

Булардан кўринадики, уй-жой қурилиши ҳажми ошди, шунга мос равишда бозорда тақлиф кўпайиб, харидор учун танлаш имконияти пайдо бўлди. Лекин мана шу биргина омил билан муаммони бартараф этиб бўлмайди. Чунки ҳажм кўпайгани билан нарх ва истеъмолчилар имкониятлари бир нуқтада кесилмас, бозор бўлмайди, янги қурилган уйлар хувиллаб, бўш тураверади. Демак, аҳолини уй-жой билан таъминлашга нарх мувозанатини таъминлаш ва юрдошларимизнинг харид қобилиятини ошириш муҳим саналади.

Мана шу омиллардан келиб чиқиб, биринчи навбатда, уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга параллел равишда таннархни пасайтириш чоралари кўрилди. Бу борада қурилиш жараёнида маҳаллий қурилиш хомашёлари билан фойдаланишни кенгайтириш, янги турдаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Уй нархини тушириш ва сифатини оширишда, айниқса, инновацион қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш яхши самара бермоқда. Масалан, ғишт ўрнига газобетон ёки пенобетондан фойдаланилса, ишлаб чиқаришда газ сарфи 8 баравар камаяди ҳамда иссиқлик сақлаш 5 баравар ошади.

Мамлакатимизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қулай инвестиция муҳитини яратиш борасидаги ислохотлар туфайли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, 2021 йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 2019 йилдагига нисбатан 135 фоиз ўсиб, 9 мингдан, шунга мос равишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари сони 180 тадан ошди. 2020 йилда юқори сифатли ва хавфсиз қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 600 дан ортиқ

“**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИНГ ЙИЛЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 2017 ЙИЛДАГИ 8,1 ТРИЛЛИОН СЎМДАН 2021 ЙИЛДА 24,2 ТРИЛЛИОН СЎМГА ЕТДИ, ЯЪНИ ҲАЖМИ 3 БАРОБАР ОШДИ. 2017 ЙИЛДА 560 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИНГАН БЎЛСА, ҲАЖМИ 1,4 МИЛЛАРД ДОЛЛАРГА ҲАМ 2,5 БАРОБАР КЎПЛАЙДИ. ШУНИНГДЕК, ЭКСПОРТ ҲАЖМИ 71,4 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН 438,1 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ЕТДИ.**

халқаро стандарт қабул қилингани эса ушбу йўналишдаги экспорт имкониятини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Умуман, қурилиш материаллари санатининг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 8,1 триллион сўмдан 2021 йилда 24,2 триллион сўмга етди, яъни ўсиш 3 баробар. Соҳага 2017 йилда 560 миллион доллар инвестиция жалб қилинган бўлса, ўтган йилда 1,4 миллиард долларга ёки 2,5 баробар кўпайди. Шунингдек, экспорт ҳажми 71,4 миллион доллардан 438,1 миллион долларга етди.

Натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Бунда, аввало, мазкур йўналишни ривожлантириш,



ришни чуқурлаштириш асосида маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш каби муҳим вазифалар кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 21 февралдаги "Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари санатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан 8 та туманда қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерлари ҳамда 16 та туман ва шаҳарда бошқа худудлар билан санат кооперацияси ташкил этилиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш белгиланди.



Юқоридаги чора-тадбирлар туфайли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш санатини ривожлантириш талаби юзага чиқди ва шу асосда бу тармоқ жадал тараққиёт йўлига ўтди.

Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 9 июндаги "Худудларнинг санат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мувофиқ, 2021 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлар 14 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича имтиёзларга эга бўлди. Фармон билан, шунингдек, 24 тумани қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу худудларда санат инфратузилмасини ривожлантириш учун 400 миллиард сўм ажратиш белгиланган. Шунингдек, геология-қидирув ишларига 100 миллиард сўм йўналтириш, қўшимча қиймат занжирларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш таннархи ва харажатларини камайтириш, тайёр маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлашти-

ришни чуқурлаштириш асосида маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш каби муҳим вазифалар кўзда тутилган.

Демак, қурилиш кўламини кенгайтириш, таннархни арзонлаштириш ва юрдошларимизнинг харид қобилиятини ошириш каби асосий учта муаммонинг 2 тасига ечим топилди. Эътиборли жиҳати, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида реновация ва уй-жойлар дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жой барпо этиш, 275 мингдан зиёд

## Ипотека кредити ажратишнинг янги механизмлари йўлга қўйилди

2020 йилда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами уй-жой билан таъминлашга ипотека кредити бўйича бошланғич қиймат ва фозиларининг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджетидан 266,1 миллиард сўмдан ортиқ субсидия тўланган. Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5,5 минг оилга судда ажратилган. 2021 йилда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган маблағ 960 миллиард сўмга етди, бунда 27 мингта оила ушбу суддаларни олишга муяссар бўлди.

оиланинг янги массивларга кўчиб ўтиши учун шароит яратиш вазифаси белгилангани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бугунги кунда мавжуд вазиятдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аҳолининг айрим тоифалари учун нисбатан арзон уйлар ҳам уларнинг ўз уй-жойига эга бўлиш орузини рўёбга чиқариш учун етарли бўлмайди. Айтилмай, бошпанаси йўқ оила уй олиш учун ижара ва оиласидан орттириб узоқ йил йигиниш талаб этилади. Аксарият юрдошларимиз эса, давлатимиз раҳбари айтганидек, эртага ёки узоқ келажакда эмас, бугун бахтли яшашни хоҳлайди. Бу борада хоҳиш ва имкониятларимизни мувозанатлаштириб, уй-жойли бўлишимизда ипотека кредитлаш механизмлари жорий этилгани айни мудоао бўлди.

Президентимизнинг 2021 йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мувофиқ, уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш белгиланди. Мазкур фармоннинг энг муҳим жиҳати, унда юртимизда уй-жой қурилишининг янги босқичига ўтиш, шунингдек, аҳолини қулай ва арзон уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, ипотека кредитлари тижорат банклари томонидан аҳолига 20 йил муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан берилга бошланди. Ипотека кредити бўйича дастлабки тўлов сотиб олинган квартира қийматининг камида 15 фоизини ташкил қилади. Шаҳар ва қишлоқлардаги кам таъминланган, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аҳолига ипотека кредитлари бошланғич қийматининг бир қисмини қоплаш учун уй-жой смета қийматининг 15 фоизи миқдориди давлат бюджетидан дотациялар ажратилган бўлди.

Шунингдек, кредитлар қурилиш материалларини харид қилиш ва яқка тартибдаги турар жой бинолари қуриш (реконструкция) харажатларини қоплаш ҳамда кам таъминланган оилаларнинг уй-жой ихараси учун харажатларининг бир қисмини субсидиялаш учун ҳам берилди. Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож, кам таъминланган оилаларга 15 фоизли бошланғич бадалнинг 10 фоизи (учдан икки қисми) миқдориди субсидия ажратилган, яъни бу уй-жой учун дастлабки бадалнинг 5 фоизини тўлаш кифоая дегандир.

2020 йилда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами уй-жой билан таъминлашга ипотека кредити бўйича бошланғич қиймат ва фозиларининг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджетидан 266,1 миллиард сўмдан ортиқ субсидия тўланган. Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5,5 минг оилга судда ажратилган. 2021 йилда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган маблағ 960 миллиард сўмга етди, бунда 27 мингта оила ушбу суддаларни олишга муяссар бўлди.

## Мультипликатив самара

Биз урбанизациянинг тарихий босқичида турибмиз. Уй-жой қурилиши иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмушини яхшилашнинг асосий омилларидан бирига айланган. Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бугунги кунда мамлакатимизнинг урбанизация даражаси 35,5 фоизни ташкил этиши ва ҳозирдан бошлаб зарур чоралар қўрилмаса, ушбу кўрсаткич яқин келажакда пасайиши мумкинлигини алоҳида таъкидланган эди.

Урбанизация давридаги асосий вазифалардан бири аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлашдир.

Бироқ 2001 йилда юртимизда бир кишига тўғри келадиган уй-жой майдонининг ўртача кўрсаткичи 13,8, 2010 йил 1 январь ҳолатига эса 14,9 квадрат метр бўлган. 2016 йилдан бошлаб ушбу кўрсаткич муттасил охири бормоқда. Жумладан, 2016 йилда — 15,4, 2017 йилда — 15,7, 2018 йилда — 15,8, 2019–2020 йилларда 16,1 ва 2021 йил охирига келиб эса 18 квадрат метрга етди.

Иқтисодий ривожлантириш учун уй-жой қурилишининг аҳамиятини белгиловчи яна бир омил мультипликатив самарадир. Хитой, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар амалиёти кўрсатадики, уй-жой қурилишининг ўсиши бутун иқтисодий учун мультипликатив самарага, яъни тоғ-кон, қурилиш материаллари ва металлургия санати ҳамда электр жиҳозлари, каучук ва пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шунингдек, ижтимоий соҳа ривожланишига замин яратади. Шу билан бирга, қўшимча иш ўринлари яратилиши, қурилиш материаллари, транспорт ва савдо хизматлари бўлган эҳтиёжнинг мунтазам ортиб боришига олиб келади. Бундан ташқари, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши билан боғлиқ равишда транспорт ва коммунал инфратузилма яхшиланади.

Жаҳон банкининг глобал амалиёт маркази эксперти Уильям Зейтс ўз тадқиқотида Ўзбекистонда уй-жой сотиб олиш имконияти даражасини баҳолаб, аҳоли, айниқса, ўрта даромадли қатлам вакиллариининг уй-жой сотиб олиш имкониятини ошириш учун уй-жой қурилишини кўпроқ молиялаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган.

Ушбу тадқиқот натижалари кўрсатадики, урбанизация жараёни ўсишини рағбатлантириш сиёсати барча асосий ижтимоий гуруҳлар, шунингдек, қишлоқ ва шаҳарларда ҳам бир хил аҳамиятга эга. Шу боис, Ўзбекистон иқтисодий ривожланаётган асарият давлатлар катори арзон уй-жойлар қуришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг уй-жойга эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун ҳар йили 100-150 минг хонадон қуриш зарур. Ушбу муаммони фақат давлат маблағлари ҳисобидан ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабли 2020 йилдан давлат аҳолига энг оптимал шартларда ипотека кредитлари бериш орқали уй-жойга талабни қўллаб-қувватлаган ҳолда арзон уй-жойлар қурилишини хусусий секторга беришни бошлади.

Пандемия бутун дунёда паст ва ўрта даромадли инсонларнинг харид қобилияти пасайишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, уй-жой қурилишига талабни сезиларли даражада камайтирди. Чунки уй-жой одатда аҳоли харажатларининг муҳим қисмини ташкил қилади. Уй-жой қурилишининг қисқариши, шунингдек, тегишли тармоқларнинг товар ва хизматларига бўлган талаб, пировадиди, мамлакат иқтисодий ўсиш суръатлари пасайишига ҳам олиб келади.

Шу нуқтага назардан, қурилиш соҳасининг барқарор ривожланиши ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш сифатининг ўсиши, соҳаларда инсон омилни мумкин қадар камайтириш ва рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш борасидаги чора-тадбирлар аҳолини қулай уй-жой билан таъминлаш, уларга сифатли хизмат кўрсатиш имконини яратяпти. Бу эса нафақат ижтимоий аҳамиятли, балки кучли иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи омил сифатида эътиборга моликдир.

Қурилиш ишлари ҳажми кенг қўламда ошиши мамлакат яқин ички маҳсулотининг 1-1,5 фоизгача қўшимча ўсишига ҳамда янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли фаровонлиги ошишига олиб келади.



МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

ОХИРГИ ЙИЛЛАРДА ТУРЛИ СОҲАЛАРДА, ЖУМЛАДАН, ТУРИЗМ, ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТИМИЗДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ДУНЁ НИГОҲИНИ ЎЗИГА ҚАРАТМОҚДА. МИЛЛИОНЛАБ ЧЕТ ЭЛЛИК САЙЁҲЛАР ЮРТИМИЗГА КЕЛИШДАН ОЛДИН ВИКИПЕДИЯДАН МАЪЛУМОТ ИЗЛАШИ ТАБИЙ. РОСТИНИ АЙТСАК, АҲВОЛ ХИЖОЛАТЛИ.

ЖАҲОН САҲНАСИДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАҚОМИНИ КЎТАРИШ ДАВР ТАЛАБИДИР



Шухрат СИРОЙДИНОВ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология фанлари доктори, профессор

Бошланғич 1-бета

Ушбу маълумотлар ўзбекистонлик мутахассислар томонидан эмас, асосан, рус ёки инглиз тилини кўнгиллилар томонидан киритилганини қайд этмоқ жоиз. Улар совет даврида рус ёки инглиз тилида эълон қилинган маълумотлардан фойдаланган. Бу маълумотларда Ватанимиз тарихи, қадриятларимиз, урф-одатларимизга доир чапқашликлар жуда кўп. Муштабид тузум даврида Ғарб кўз ўнгида "йўқ-силлар ва фақирлар давлати" сифатида қарийб қиёфасини йўқотиб, маданиятсиз ва саводсиз халқ бўлиб кўринган ўзбек миллини мустақилликдан сўнг шарафли тарихи ва бой ўтмиш илмий-адабий меросини юзага чиқариш имкониятига эга бўлди. Тарихимиз сохта қарашлардан халос этилди, юзлаб мутафаккариларимиз ва ижодкорларимизнинг номлари тикланиб, илмий-адабий мерослари оммалаштирилди.

КЕЛГУСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИГА ДОИР МАТНЛИ ВА ВИДЕОКОНТЕНТЛАР ЯРАТИШ, ШУНИНГДЕК, ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИ, ЛИБОСЛАРИ, БАДИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИМИЗГА ОИД ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН МАҚОЛАЛАР ЯРАТИБ, УЛАРНИ ВИКИПЕДИЯГА ЖОЙЛАШТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДАМИЗ.

Охириги йилларда турли соҳаларда, жумладан, туризм, таълим, илм-фан ва ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар дунё нигоҳини ўзига қаратмоқда. Миллионлаб чет эллик сайёҳлар юртимизга келишдан олдин Википедиядан маълумот излаши табиий. Рус ва инглиз тилидаги контент талабга жавоб берадими. Бариси эски замонлардан қолган маълумотларга асосланган. Уларни қўя туринг, Википедиядан фойдаланаётган ўзбек ўқувчилари сони кундан-кунга кўпайиб бораётгани ана ўша эски ёндашуларга асосланган маълумотларнинг яшовчанлигига сабаб бўлмоқда.

Интернет тармоғида "uz" домени 1995 йил 29 апрелда рўйхатга олинган бўлиб, 2001 йилдан ундан бепул фойдаланиш йўлга қўйилди. Ахборот технологиялари бозорининг жадал ривожланиши фондида 2005 йилга келиб, юртимизда интернет фойдаланувчилари сони 1 миллион 150 мингдан ортди ва 600 интернет провайдер 855 минг фойдаланувчига эга бўлди. 2007 йилда эса мобиль алоқа воситаларидан интернетга улашни кескин ортиб борди. Сўнгги статистик маълумотларга қараганда, "uz" доменидаги фаол сайтлар сони 111 мингдан зиёд бўлиб, бу борадаги ўсish 11,7 фоизни ташкил этмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 27 миллиондан зиёд, шундан 25 миллиондан ортиги мобиль интернет фойдаланувчиларидир. Шундай бўлса, интернетдаги ўзбек тили контенти савияси ҳақида ҳам ўйлаб қолсан, киши.

Албатта, тан олиш керак, охириги йилларда Википедияда ўзбек тилидаги контент яратиш йўлида анча сайёҳ-харакатлар қилинди. Бугунги кунда Википедияда ўзбек тилидаги материаллар 210 мингдан ошган, бироқ аксариятини "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"дан шундоққина кўчириб жойлаштирилган мақолалар ташкил этади. Улар, асосан, китоб вариантлари учун тайёрланган, батафсил бўлмаган, бир абзацдан иборат юзаки маълумотлардир. Шунингга ҳам шукр деймиш, аммо мазкур маълумотлар хорижий, хусусан, инглиз тилини билувчи глобал тармоқ фойдаланувчилари учун номтаълимликча қолмоқда. Натيجида Ўзбекистон ва унинг ўтмиш маданий мероси ҳақи-

қилиб берилган маълумотлар русийзабон ва инглиззабон фойдаланувчиларга манба бўлиб хизмат қилмоқда. Youtube, TikTok, Instagram каби ижтимоий тармоқлардаги ўзбекча контентни умуман сифатли деб бўлмайди. Илмовий хатолар ўз йўлига, мазмун жиҳатдан ҳам бу турдаги контент жуда саёзидир. Интернетдаги ўзбекча контентнинг сони ва паст сифати сунъий интеллектга асосланган турли дастурларнинг ўзбек тилида яратилишига, мавжудларнинг эса қоникарсизлигига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг бу соҳадаги ишларимизни кучайтиришга қаратилган талаблари ўринли. Қатор топшириқлар 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонда ўз ифодасини топди. Президентимиз 2022 йил 30 июнда ҳам бу масалага қайтиб, интернетнинг миллий сегментини янада кучайтириш мақсадида интернетда ўзбек миллий контентини ривожлантириш бўйича вазифа берди. Бунда давлатчилигимиз тарихини матнли ва видео контентлар орқали тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, юртимиздан етишдиб чиққан 100 нафар буюк аллома ва мутафаккирнинг интернетдаги маълумотлар базасини яратиш, асарларини оммалаштириш чораларини кўриш кераклиги ҳам таъкидланди.

Мазкур топшириқлар ижроси бўйича хайрли ишлар амалга оширилаётди. Хусусан, интернет тармоғида ўзбек тилидаги фойдаланувчилар билан ҳамкорликда ўтказилаётган "Wiki-стипендия" марафонини таъкидлаб ўтиш лозим. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ижтимоий-гуманитар йўналишда электрон порталлар яратиш бўйича тақдим этилган кўплаб лойиҳалар молиялаштирилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига ҳам бу соҳада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Инглиз тилида "Ўзбек адабиёти тарихи" ва "Алишер Навоий адабий мероси" электрон порталларини яратиш ниҳоясига етказилмоқда. Инглиз тилида яратилаётган "Википедия электрон энциклопедиясида ўзбек миллий-маданий ва маиший ҳаётига оид тушулган ва атамаларга оид мақолалар базасини яратиш" электрон платформаси ўзбек адиблари асарларида учрайдиган реалиялар, урф-одатлар, қадриятлар, тарихий воқеа ва шахслар, этнография атамаларнинг изоҳли мажмуасидан ташкил топган бўлиб, суратлар, инфографика ҳамда жадваллар билан бойитилган ҳолда тақдим этилади. Шунингдек, Википедия тармоғида мавжуд бўлган лойиҳа мавзусига оид мақолаларни тахрирлаш ва тақомиллаштириш амалга оширилади. Лойиҳанинг техник қисмида юқоридagi йўналишлар доирасида тайёрланган мақолалар, тахрирланган матнлар, таржима материаллари Википедия базасига юкунлади.

Келгусида инглиз тилида Ўзбекистон тарихига доир матнли ва видео контентлар яратиш, шунингдек, ўзбек миллий таомлари, либослари, бадий ва амалий санъатимизга оид илмий асосланган мақолалар яратиш, уларни Википедияга жойлаштиришни режалаштирмоқдамиз. Шундай лойиҳалар юртимизга қизиқши билдирадиган хорижий инвесторлар ва сайёҳлар учун фойдали маълумотлар базаси вазифасини ўтайди. Ўзбекистоннинг ижобий имижига ва инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳамда сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилади. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети миллат ва маънавият университети мақомидаги бир олий даргоҳ деб эътироф этилар экан, жаҳон саҳнасида Янги Ўзбекистонимиз мақомини кўтаришда бевоқифа жавобгарлик ҳиссини туяди. Шу маънода, миллий қадриятларимизни чуқур ҳурмат қиладиган, шонли тарихимизни шараф тожи сананган, миллатимиз, миллий тарихимиз ва қадриятларимизни ҳимоя қилувчи ватанпарвар ёшларни глобал ижтимоий тармоқларда қадимдан Турон, ўн олти асрдан буюн Туркистон деб улуғланиб келган буюк ўлкаимизнинг улғуворлигини кўрсатиш ҳаракатига жалб қилиш, буюк Учинчи Уйғонув даври қурувчилари бўлган ёшларимизнинг ёрқин тадқиқотларидан фойдаланишга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ричард ВУН: "ТАЪЛИМ БЕРИШ КАСБ ЭМАС, ИШТИЁКДИР!"

Халқ таълими вазирлигининг Абдулла Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти ҳамда Сингапурнинг "Six Clouds PTE. LTD" компанияси раҳбарияти ўртасида меморандум имзоланган эди. Унга асосан, мамлакатимизда педагоглар малакасини оширишда Сингапур тажрибасидан фойдаланиш, аниқ, табиий фанлар ва чет тилларни ўқитишда замонавий методларни жорий қилиш, ўқитувчиларнинг дарста тайёргарлик кўриш компетенциясини ривожлантириш, раҳбар кадрларнинг бошқарув соҳасидаги кўникмаларини мустаҳкамлаш учун маҳорат дарслари ўтиш тўғрисида. Икки ойдирки, сингапурлик экспертлар педагогларимиз учун махсус ўқув курслари ўтказяпти.

Мухбиримиз "Six Clouds PTE. LTD" компанияси асосчиси ва раҳбари Ричард Вун билан Сингапур таълим тизимининг илгор тенденциялари ва Ўзбекистон таълим тизимида эришилаётган натижалар ҳақида суҳбатлашди.

— Икки ой олдин соҳа мутасаддилари билан Ўзбекистонда халқ таълимини ривожлантириш режасини муҳокама қилганмиз ва муайян ўзгаришлар киритилиши кераклиги ҳақида ҳулосага келганмиз. Шу асосда тизимни тақомиллаштириш учун бир неча муҳим вазифани белгилаб олдик.

Биринчидан, бўлғуси ўқитувчиларнинг олий таълим муассасаларида сифатли педагогик таълим олишини таъминлаш лозим. Чунки айнан мана шу омил дунёдаги ҳар қандай ўқитиш тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Иккинчидан, ўқув дастурларини яна бир бор кўриб чиқиш керак. Тахлил қилганимизда, амалдаги ўқув дастурлари мазмунини ўқитувчи ва ўқувчилар учун жуда оғир ва мураккаб тарзда шакллантирилган маълум бўлди. Шу боис, миллий ўқув дастурини яна бир бор назардан ўтказиш ва унга компетенциявий таълимни синдиришни тақлиф этдик.

Учинчидан, педагогларни қайта ўқитиш ва касбий тайёрлаш тизимини марказлаштириш орқали таълим сифатини кўтариш мақсадга мувофиқ. Биз эса уларга фаолияти давомида асқатадиган маҳорат ва компетенцияни ўргатамиз.

Малакали педагог кадрлар тайёрлаш учун ҳамма ҳудудда миллий педагогика маркази ташкил этилиши ва барча янги ўқитувчилар малака ошириш учун ўзларнинг марказларга юборилиши зарур. Шунда ўқитувчиларни ҳозирги стандартларга мос равишда бир хил тайёрлаш ва малакасини оширишга эришилади.



уқун юқори малакага эга бўлиши керак. Аҳолининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш учун катта маблағ сарфладик. Бу борада Сингапур Таълим вазирлигининг хизмати катта. Мамлакатимизда ўқув-тарбия жараёни мактабгача таълимдан бошлаб жуда яхши ташкил этилган. Бу йўлда биз ривожланган давлатларнинг энг яхши тажрибаларини ўрганиб, амалиётга жорий этганмиз.

Сингапур таълим тизимининг муваффақиятига яна бир сабаб давлатнинг келгуси тараққиёт стратегиясини пухта ишлаб чиқишидир. Мисол учун, кейинги 10-20 йилда қайси соҳаларни ривожлантириш кераклигига қараб зарур фанларни мактабда ва университетда ўқитишни кучайтирамиз. Бу жуда ҳам машаққатли йўл.



Мушаффа Абдуллаев олган сурат.

Биз бу ўзгаришларни ақлли, билимли инсонлар билан бирга амалга оширамиз. Шу боис, қаёққа кетаётганимиз ҳақида олдиндан аниқ муайян тушулганга эгамиз.

— Сингапурда ўқитувчиларни кўллаб-қувватлаш тизимининг ўзига хослиги нимада? Узини ўзи ривожлантириш учун педагогларга қандай имкониятлар тақдим этилган?

— Сингапурда ўқитувчилик шунчаки касб эмас. Мактабда дарс беришдан олдин номзод университетда ўқиб, бир қанча босқичлардан, тренинг ва тайёргарликлардан ўтиши керак. Чунки ўқитувчилар дарсини бир хил суръатда ўтгани билан дарс бериш методикаси ҳар хил бўлади. Бу илм олиш мувозанати бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу орқали биз мамлакат бўйлаб бир хил таълим берилишини таъминлаймиш. Бир вақтнинг ўзида давлатнинг бу бурчидаги ўқитувчи бир мазунини, нариги тарафдаги эса бошқа мазунини ўргатишини хошламаймиш. Бу ҳам таълим тизимимиз ютуғи, деса мумуолага бўлмайди.

Мактабларда ёш ўқитувчилар тажрибали педагоглар маҳоратини ўзлаштириши учун устоз-шогирдлик тизими йўлга қўйилган. Шу тариқа мактаб кластери етакчи муаллимларнинг ўз билимини бир-бири билан ўртоқлашиш ҳамда миллий миқёсда тажриба алмашиш имкониятини янада кенгайтиради. Ўқитувчилар профессионал курслар орқали билим ва кўникмасини ошириш учун ташаббус кўрсатиши мумкин. Уларнинг аксарияти Таълим вазирлиги томонидан кўллаб-қувватланади.

Яна бир муваффақиятли жиҳат: "6+9". Буни қуйидагича тушунтирамиз. Масалан, ҳар биримиз алоҳида инсонимиз ва дунёни ҳар хил

кўраимиз. Мен бир рақамни "9" деб кўрсам, кимди уни "6" дейди. Бу эса ҳар доим ўзаро қарама-қаршилиқни келтириб чиқаради. Моҳият эса рақамнинг "6" ёки "9" лигида эмас, мана шундай қарама-қаршилиққа қарамай, қандай қилиб биргаликда ишлаб олишимиз мумкинлигида. "6" ота-оналар бўлса, "9" ўқитувчилар ва мактаб. Мана шу икки тараф ўртасида ҳамиша келиш-мувофиқлик бўлиб туради. Бизда улар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Шу боис, таълим тизимимиз жаҳонда энг олдинги ўринларга чиқиб олган. Ўзбекистонда ҳам мана шу икки қатлам ўртасида иттифоқ ўрнатилган, таълимда кўтарилиш бошланади.

— Ўзбекистонлик педагогларнинг салоҳиятини қандай баҳолайсиз? Уларнинг отуқ ва камчиликлари, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақидаги фикрларингиз биз учун қизиқ.

— Ўзбекистондаги ўқитувчиларнинг малакаси юқори. Айтишга, математика ўқитувчиларининг билими ва кўникмаси сезиларли даражада яхши. Кўзга кўринарли камчилик сифатида дарс ўтиш методи ҳамда мураккаб таълим тизимини айтиш мумкин. Айтилик, менинг 5 та докторлик дипломиним бор, лекин билимимни ўқувчига етказиб бера олмасам, бу таълим соҳасидаги бир қанча катта муаммоларга сабаб бўлиши табиий. Сирдарёдаги тренингларимни қуйидагича бошлайман: "Агар давлатингизга иқтидорли инсонлар керак бўлса, сиз улардан бири бўлинг".

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг билгани ҳам худди шу ҳақида гаплашдик. Мамлакатингизда ўқитувчиларнинг нега шу соҳани танлагани, касби унга нима бераётгани, улардаги ички мотивацияни аниқловчи сўровномалар ўтказилмади. Сингапурда бу тажрибадан узоқ йиллардан бери фойдаланиб келияпти. Чунки таълим бериш шунчаки касб эмас, балки биринчи галда иштиёқдир. Ўқитувчилик деганда узукун меҳнат қилишни, муҳим ва бир оз машаққатли вазифани тушунади. Агар инсоннинг юрагида ўқитувчиликка иштиёқ ёнмас экан, у бу ишларни ундамай олмайдди. Ҳозирча мамлакатингизда ёшларнинг ўқитувчиликка иштиёқини аниқлаб берадиган механизмни кўрганимиз йўқ. Иккинчидан, ўқитувчиларнинг бир хил сифат ва даражадаги малака ошириш тренингларидан ўтишини таъминлаш муҳим. Мана шу икки та омил малакали педагоглар тайёрлашга пухта замин ҳозирлайди, деб ишонаман. Бу орқали ўн йилда Ўзбекистон таълим соҳасида улкан натижаларга эришиши мумкин.

Биз юртингизда учратган ўқитувчилар жуда билимли, тажрибали. Бироқ ўқувчилар билан самарали мулоқот қила олмасангиз, бу билим унчалик фойдали эмас. Матн ва формулаларни ёдлаш тажриба ёки визуал ўрганиш билан белгиланмайди. Педагогика гоё ва билимларни узатиш учун фойдаланиладиган усулдир. Ўқитувчилар бу йўналишда ўзини тақомиллаштириши зарурлигини ҳис қилдик ва улар билан тажриба алмашиш учун мамлакатингиздамиз.

Шу ўринда математика фанининг аҳамияти ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Бу фан ҳаётда асқатадиган энг муҳим фанлардан. Сиз банкда ишлайсизми ёки мактабдами — математика, албатта, керак. Шу боис, биз математика фанини ўқитишни тезлаштирувчи медиакурслар ишлаб чиққанмиз. Бу дастур 4 йил олдин Президент мактабларида таъбиқ этилган. Ҳозир ушбу мактаблар дастурий таъминотимиздан фойдаланмоқда. У ўқувчиларни муаммоларини ҳал этишда креатив ёндашишга ундайди. Ҳаммамиз 1+1=2 эканини яхши билимиз, лекин уни қандай қилиб 10 га айлантириш креативлик талаб этади. Биз ўқувчиларни мана шунга ўхшаш муаммоларга креатив ечим топишга ўргатамиз. Ҳозир вазирлик тасаруфидagi мактабларда ҳам шу дастурдан фойдаланиш бўйича муҳокама-лар ўтказяптимиз.

Президент мактабларида тадқиқот ўтказганимизда ушбу дастур математик формулаларни қандай қилиб, қайси вазиятларда қўллаш бўйича ўқувчилар тасавурини ривожлантирганини кўрдик. Масалан, болалар алгебра ва геометрия дарсларида жуда ҳам кўп математик шакл ва тушулчаларни ўрганади. Лекин уларни қаерда, қандай қўланиши билмайди. Бу дастур ўқувчиларнинг ўрганаётган билиминини яхшироқ ва тезроқ эслаб қолишига ёрдам беради ҳамда ундан ҳаётда қандай вазиятларда қўллаш бўйича тасавурини кенгайтиради.

— Икки давлат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликдан қандай натижа кўтиляпти?

— Бу саволга жавоб бериш бир оз вақт талаб қилади, деб ўйлайман. Бу йўлда асосий вазифани қатъият ҳал этади. Нега деганда, ўзгаришлар қийин ва узоқ муддатли жараён, фақат қатъият ва фидойилик орқалигина уларни рўёбга чиқариш мумкин. Агар бирор натижага эришиш ҳақида гапирсак, ана шу икки жиҳатни ўзимизда қарор топтираемиз. Шундагина биз олдга кираётган ўзгаришлар муваффақият келтиради.

"Янги Ўзбекистон" мухбири РИСОЛАТ МАДИЕВА суҳбатлашди.

# Буюк драматурглар

## РЕЖИССЁРГА ТАЪЙИҚ ЎТКАЗАДИ

дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов

ТЕАТР ВА ҲАЁТ



Инсонни қурувчилик, ўқитувчилик, шифокорлик, ошпазлик ва яна ҳоказоларга ўргатиш мумкин. Ўзи истамаса-да, тақдир тақозоси билан шу каби касблар этагини тутганлар унга кўникиб, бир маромда ишлаб кетади. Аммо шоирлик, ёзувчилик сингари актёрлик ва режиссёрлик ҳам инсонга ато этиладиган бир неъмат, десак хато бўлмас керак.

Ўзбекистон давлат драма театри бош режиссёри, Давлат мукофоти соҳиби, "Темир хотин", "Тошкентга саёҳат", "От йиғлаган томонда", "Соҳибқирон", "Мирзо Улугбек" сингари кенг эътироф этилган сахна асарлари муаллифи, таниқли режиссёр Олимжон САЛИМОВ билан миллий театримизнинг бугуни, ютуқ ва камчиликлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Асли касбингиз актёрлик. Олий-гоҳда ҳам актёрликка ўқигансиз. Инсоннинг "ички ҳақами" бўлса, қилаётган ишдан, фаолиятдан қониқиб, ўзини ўзи назорат қилиб туриши мумкинлиги ҳақида гапиргансиз. Сиздаги "ички ҳақам" қайси фаолиятингизга юқори баҳо беради, актёрликка, режиссёрликка? Бу баҳо сизни қониқтирадими?

— Мен "ички ҳақам" тўғрисида гапирганда, аввало, инсоннинг бу "ҳақам"ни ўзида пайдо қилиши жуда мураккаб ва қарийб иложи йўқ иш, деб ҳисоблайман. "Ички ҳақам" аслида "Мен кимман?" деган савол. Инсон ўзига шундай савол бера оладими? Берган тақдирда ҳам объектив, ҳалол жавоб бера оладими? Инсонда "ички ҳақам" ҳосил бўлишидан анча олдин онанининг "болаганим", "ақлигим", "полвоғим", "шириним" деган сўзларидан эго (мен) шаклланади. Бу "мен" фақат ва фақат мақтов, ширин сўз, оқшлар билан яшайди. Бундан сўнг у доимо шундай "мақтовлар"ни эгаллаш учун уринаверади. Бу мақтовлар унга бошқалар берган баҳо, бироқ бу баҳо ҳақиқий бўлиши мумкин. Газеталарда ёзилган мақтов мақолалари, унинг ишига берилган "юқори" баҳо, у ҳақида ёзилган китоблар — бари-ни бировлар берган, ўзиники эмас — асли эмас. Эго шу билан яшайди, бусиз яшолмайди. Одамда шаклланган "мен" ҳақиқий эмас, сохта, ясалган "мен", уни бировлар ясаб берган. Сохта "мен" билан яшаш осон. Чунки у оғриқмайди, ақинча, ҳатто ёқимли. "Мен кимман?" саволини тудирмайди-да. Сизнинг ким эканингиз маълум, ана, газеталарда ёзилади, китоблар ёзилади — сиз ўшасиз. "Мен кимман?" саволи оғриқли. Шунинг учун ҳам биз сохта "мен" билан бир умр яшаймиз. "Мен кимман?" саволидан кўра-кимиз. Доимо мақтов эшитишимиз келверади. Ҳатто мақтов эшитиш учун уни макташи керак бўлганларни ўзи ҳам обдон мақтайди. Халқона айтганда, сиздан угина, биздан бугина. Ана шу оғ арвоҳ "мен" шаклланиб олганидан кейин у ҳеч қандай "ички ҳақам"ни ўзига йўлатмайди. Натияжада одам ўзига "Мен кимман?" саволини беришига имкон қолмайди. Ўз-ўзидан "ички ҳақам" ҳам пайдо бўлмайди. Пайдо бўлганида ҳам у эгога қарам бўлиб қолади ва бу "ҳақам" ҳамма нарсага фақат шу одам фойдасига ҳал қилверади. Шу боис, одам ўз "марказидан", аслидан узоклашиб, уни йўқотиш даражасига боради.

Шунинг учун ҳам "ички ҳақам" ҳақиқий, "мен"ингизга қарам бўлмаган "ички ҳақам"ни шакллантириш учун, аввало, бошқалар сизга ёпиштирган "мен"дан воз кечиш, эго деган баттолени енга олиш лозим.



Мен ҳам ҳамма ишларимни жойига қўйиб берувчи "ички ҳақамим" бор, деб мактана олмайман. Лекин ўз ижодий фаолиятимни, қолаверса, ҳаётимни назорат қилишга, бошқара олишга ҳолим, қудратим етгунича имкон топаман. Кўйган спектаклларимга ёзилган мақолалар, китоблардаги "мақтовлар"нинг қанчаси рост эканини албатта, муҳожима қилман ва бир хулосага келман. Бу хулоса ҳар доим ҳам фойдага бўлавермайди.

Актёрлик фаолиятимга баҳо керак эмас, чунки у билан анча вақтдан бери шуғулланмаман, режиссёрлик фаолиятим эса доимо назоратимда, акси бўлганида театрдан кетган бўлман.

— Кейинги пайтда жаҳон классикасига кам мурожаат қилинаётганда. Бунга сабаб нима, томошабин эҳтиёжи йўқлиғи, муносиб актёрлар етишмаслиғи ёки маҳоратли режиссёрлар камлиги? Балки классик асарларни тушунадиган, уларда илгари сурилган катта гоъларни англайдиган, дард-изтиробини ҳис қиладиган режиссёр актёр қолмагандир? Ваҳоланки, ўзбек театри ҳаммиша истеъдодларга бой бўлган. Қолаверса, сўнги йилларда юртимизда санъат, хусусан, театр ва кино санъати ривожини ҳис қиладиган режиссёрлар рағбатлантиришга, уларнинг эмин-эркин ижод қилиши, ўз истеъдодини рўёбга чиқариши учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Театрлар жаҳон классикасига кам мурожаат қилаяпти, деган фикрга сал бошқарқоч ёндашган бўлардим. Масалан, Самарқанд театри яқинда Тошкентда Шекспирнинг "Қирол Лир" асари асосида яхшигина спектакль кўрсатди. Шу асар ҳозир Сирдарё вилояти театрида сахна-

лаштирилмоқда. Яқинда Ўзбекистон рус академик театрида "Гамлет" фожиаси асосида спектакль премьераси бўлади. Фарғона вилояти театрида Софоклнинг "Шоҳ Эдип" фожиаси сахналаштирилди. Ёш режиссёрларимиз шижоат билан, кўркмасдан жуда катта ва мураккаб асарларни сахналаштиришга бел боғлапти. Келинг, ўзимиям мақтай қолай (юқорида айтилган эгонинг талабига биноан): мен ишлаётган Ўзбекистон давлат драма театри репертуарида ҳозир буюк Шекспир, италиялик атоқли драматург Карло Гальдони, Франция классиги Жан Батист Мольер, шунингдек, Чингиз Айтматов, Нодар Думбадзе каби машҳур адабларнинг асарлари асосидаги спектакллар мавжуд.

Томошабинга келсак, "классик асарларни томошабин кўрмайди", деган бемаъни фикрлар бўлган, ҳозир ҳам бор. Лекин гап томошабинда эмас. Биз юқоридаги фикрни дастак қилиб, неча йиллар давомида томошабинни айблаб, уни классик асар кўришдан маҳрум қилганмиш, классик асар томоша қилишни томошабинга ўргатмаганмиш. Сиз айтгандай, ўзбек театрининг Шукур Бурҳон, Олим Ҳужаев, Наби Раҳимов, Аббор Ҳодиятов каби машҳур актёрлари Отелло, Гамлет, Макбет, Қирол Лир, Юлий Цезар ролларини ижро қилганида, залга томошабинлар симаган.

Назаримда, ҳар бир театр, албатта, шундай юксак классик асарларни сахналаштириши керак. Илло, бу театр учун ҳам, унда ишлаётган актёрлар учун ҳам катта бир мактаб. Бу маҳоратни чархлаш, ижод наъшасидан қувониб имконини беради. Ҳар бир театрда шундай ролларни ижро қиладиган актёрлар бор, бўлмаслиги мумкин эмас. Фақат улар кашф қилинмаган, ўзларини синаб кўрмаган. Ўзида шундай имконият борлигини билмай ўтиб кетаётган актёрлар қанча...

Тарихий асарлар ҳақида гапирадиган бўлсак, улар ойнаи жаҳондагина эмас, театр сахнасида ҳам бўлиши керак, бу жуда муҳим. Лекин бу театрлар учун мусобақа ёки мавсумий заруратга айланиши керак эмас. Театрларда тарихий асарларни сахналаштириш Президентимизнинг маданият соҳасини ривожлантиришга доир қароридан кейин кўлайди. Аслида театрининг ўзи қайси тарихий асар, қай талқинда ва қачон кераклигини доимий ҳис қилиши лозим. Эртанинг эгаларида миллий мафқуранини шакллантиришда тарихий асарларнинг ўрни жуда катта. Кинодан фарқи ўлароқ, ёшлар бундай спектакллар жараёнида гўё бир мuddат ўтмишда яшаб, аждодлар билан юзма-юз бўлгандай ҳис қиладиган ўзларини. Бутун дунёга донги кетган аждодлари, уларнинг кўй мероси ҳақида беҳис бот-бот таққорланаётганини тушуниб етади. Бу мавзусиз адабиётда ҳам, кинода ҳам ва албатта, театрда ҳам ижод тўлақонли бўлмайди.

Тўғри, тарихий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга айлантириш мумкин вазифа. Айнан театр санъатининг вазифаси худди шунда, тарихий бадий образлар орқали томошабин қалбига жойлаштириш. Бу мавзу билан театр, илло, ҳамма санъат турлари ҳам, мунтазам, режали ва асосли равишда шуғулланиши керак.

Президентимизнинг ҳар бир қарори, у қайси соҳага тааллуқли бўлмасин, жуда пайди, катта салоҳият билан, шу соҳанинг ҳамма ютуғу камчиликларини обдон ўрганган ҳолда вужудга келади. Маданиятнинг ривожлантиришга доир қарорда ҳам санъатимизнинг бугуни аҳволи гўят чўқур таҳлил қилиниб, уни яхшилаш учун аниқ вазибалар белгиланган. Мазкур ишлар ижроси ўлароқ, бугун театрларга янги ёндоқлар қурилади, мавжудлари таъмирланапти. Зеро, бу масала театрларимизни қийнаб келаётган оғриқли нуқталардан бири эди.

— 30 дан ортиқ давлатда хизмат сафарига бўлгансиз. Жаҳонга машҳур режиссёрлар репетицияларида қатнашганингиз ҳақида эшитганмиш. Улардаги қайси жиҳатларни фаолиятингизда қўллаш учун ўргангансиз? Бизнинг режиссурамиздан ҳам ўрганадиган жиҳатлар борми?

— Дарҳақиқат, тақдиримдан миннатдорман, касбимдан минг бор розиман,



66 БУ ТАЪЙИҚДАН ХАЛОС БЎЛИШ ЭСА ФАҚАТ РЕЖИССЁРНИНГ САЛОҲИЯТИГА, УНИНГ ШУ АСАР ТУФАЙЛИ ЎЗ АЙТАР СЎЗINI ТОПИШИГА БОҒЛИҚ БЎЛАДИ. СПЕКТАКЛДА БАДИЙ ЯХЛИТЛИК МУЖАССАМ БЎЛСА, АГАР РЕЖИССЁР САҲНАЛАШТИРИДАН АСАРИГА МОС, МУАЛЛИФ СЎЗИГА ҲАМСЎЗ, ҒОЯСИГА ТЕНГ ЎЗ ҒОЯСИНИ ТОПСА, БУ ТАЪЙИҚ ШУ ЗАҲОТИ ЧЕКИНАДИ.

дунё кездим, ўттиздан ортиқ мамлакатда ўтказилган катта театр фестивалларида ўз спектаклларим билан қатнашдим. Аллоҳга шукр!

Дунёга машҳур режиссёрлар — россиялик Георгий Товстоногов ва Марк Захаров репетицияларини ойлаб кузатдим, дунёни лол қолдирган италиялик режиссёр Жоржо Стреллернинг Миландаги "Пикало" театрида "Қирол Лир" спектаклини сахналаштириш жараёнида қатнашдим.

Улардан айнан нима ўрганганимни аниқ айтишмайман. Бироқ улар меннинг руҳимни ўзгартирди, театрга муносабатимни ағдар-тунтар қилиб ташлади. Менга режиссёрнинг рутбаси нима-ю, у бундан қандай амалга оширади, унинг фикри, тасаввури, матонатини, инсоний позициясини, жамиятга қандай ўрин тутганини кўрсатди. Мен улардан бу касбни эгаллаган киши ким бўлиши, нималарга эришиши ва нималардан воз кечишини ўргандим. Ҳар доим, ҳар нафасда бу устозлар мен билан бирга бўлади, мени қаттиқ кузатади. Мен бутун кучим, билимим, имкониятимни ишга солиб, уларни рози қилишга уринаман.

Энди уларнинг биздан ўрганадиганига келсак, режиссёрлик касби шундай, уни бировдан ўрганиб, бир натижага эришиш қийин. Бундан шунини ўргандим, ундан бунини, деб яхши режиссёр пайдо бўлмайди. Бунини фақат режиссёрнинг шахси ҳал қиладди, ҳоло. У, албатта, катта шахс бўлиши лозим.

— Шекспир асарларини сахналаштириш. Маҳорат дарсларингиздан бирида буюк ёзувчи режиссёрга ҳам, актёрга ҳам таъйиқ ўтказди, дегандингиз. Яна қайси асарларни сахналаштиришнингизда шу ҳол кузатилган? Бу таъйиқдан қутулиш учун нималар қилиш керак?

— Буюк ёзувчининг асари сахналаштирилган экан, у, албатта, режиссёрга ва бу асарда катта-кичик ролларни ижро қиладиган актёрларга ўзининг буюклиги билан таъйиқ ўтказди. Шекспирни сахналаштириш учун 25 йил тайёрларлик кўрдим. Ўқиб юрган кезларим унинг ҳар бир асарига режиссёрлик сахналаштириш режиссини ёзганман. Уша ёзганларимни ҳозир ўқисам, энсам қотади, ўзимдан хафа бўламан ва қувонаман ҳам. Ўзувчининг режиссёрга ўтказадиган бу таъйиқ ҳаётбахш таъйиқ, ижод учун зарур бўлган таъйиқ. Фараз қилинг, шу таъйиқ бўлмаса, режиссёр ҳеч нарсадан кўрқмай, одатдаги ёзувчининг асарини сахналаштириб-гандий иш тутса, изланмаса, бу спектакль оддий, ўртамаёна ёки ундан-да пастроқ бўлиши аниқ. Менга нафақат классик буюк ёзувчилар асарлари, оддий, кеча ёзилган, ўзимизнинг таниш ёзувчиларимиз асарлари ҳам таъйиқ ўтказди. Мен бусиз ижод қилмайман.

Бу таъйиқдан халос бўлиш эса фақат режиссёрнинг салоҳиятига, унинг шу асар туфайли ўз айтир сўзини топишига боғлиқ бўлади. Спектаклда бадий яхлитлик муҳим бўлса, агар режиссёр сахналаштириладиган асарига мос, муаллиф сўзига ҳамсўз, ғоясига тенг ўз ғоясини топса, бу таъйиқ шу заҳоти чекинади.

— Сиз бош режиссёр сифатида фаолият юритаётган Ўзбекистон давлат драма театрининг халқроқ алоқалари қандай?

— Ўзбекистон давлат драма театрининг тарихий халқроқ назар соладиган бўлсак, анчагина дунё театрлари билан ҳамкорликда ижод қилганига шўхид бўлаемиз. Устоз режиссёр Баҳодир Йўлдошев бу бўлган даврда театр АҚШ, Франция, Шотландияда гастроль сафарларида бўлган. Бу театр сахнасида Париждаги "Комеди Франсез" театрининг машҳур актери Франсуа Шатто Алишер Навоийнинг "Сади Исқандар" асари асосида сахналаштирилган "Исқандар" спектаклида Навоий ролини ижро қилган ва бу спектакль Парижда ҳам муваффақият билан намойиш этилган. Франсуа Шатто 2018 йилда Самарқанддаги Регистон мажмуасининг Улугбек мадрасаси майдонига М.Шайхзоданинг "Мирзо Улугбек" фожиасида Улугбек ролини ҳам ижро қилди.

Театр қарийб беш йил давомида Бишкек, Остона, Туркиянинг Гересун шаҳрида ва яқинда Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида ўтказилган халқроқ театр фестивалларида муваффақият билан қатнашиб қайтди. Келгуси йилда ҳам театрининг халқроқ режалари, уларни амалга ошириш учун имкониятлари бор.

— Театр режиссёрлигининг эртасини қандай тасаввур қиласиз. Баҳодир Йўлдошев мақталарида тобланган, ўзингиз айтгандай, режиссёрлик рутбасини қандай юксалтириш кераклигини чуқур аниқлаб етказган муносиб издошлар сифатида кимларни тилга олишни истардингиз?

— Режиссёрларни танлаш ва уларни тарбиялаш масаласи катта ислохотга муҳтож. Бу театрларимизнинг оғриқли масаласи. Биз жуда эски методлар билан режиссёр танлаймиш ва уларни тарбиялаймиш. Айтишга арзирли режиссёрларимиз эса театрларда ҳеч қандай юридик ҳуқуққа эга эмас. Эри ёмони, режиссёрлар ижодкор деб тан олинган эмас, улар фақат ижрочи, ҳоло. Улар ўз спектакллари муаллифи эмас. Режиссёрларга белгиланган иш ҳақи уларга театрда юкланган вазифага нисбатан жуда номутаносиб. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 2020 йил 10 январь сонидаги "Театр — ҳаёт,

ҳаёт — театр" мақоласида айтган қуйидаги жумлаларни яна бир бор такрорлайман: Тиббиёт муассасаларини бош шифокор бошқаради, чунки у жойда энг муҳим фаолият — инсон саломатлиги. Бу масалада фақат шифокор ҳал қилувчи. Театрда энг муҳим фаолият — санъат, бадий юксак спектакль! Лекин бу ерда бош режиссёр ҳеч нарсани ҳал қилмайди! Театрда унинг ҳеч қандай юридик ҳуқуқи йўқ. Назаримда, театрлар бошқарувини унинг асосий ижодкори — бош режиссёр (бадий раҳбар) иштироғига бериш лозим.

Албатта, шунга яраша, режиссёр ҳам иқтидорли, театрининг лидерига айланган, унинг тақдирини, ижодий салоҳиятини кўра оладиган, талқин қилувчи, ташкилотчи, тарбиячи бўлиши керак. Энг муҳим, инсоншуносликка чуқур ира олиши керак. Чунки режиссёр бир умр инсоншунослик билан шуғулланади. Шу маънода, у инсоннинг ички дунёси, руҳинини яхши билишга мажбур.

Айни пайтда иқтидорли ёш режиссёрлар театрларимизга баралла кириб келиши. Улар эришган ютуқлар анчагина. Йилоним қомил, яқин келажакда сиз менга режиссёрлар муаммоси ҳақида савол беролмайсиз.

Бир мuddат Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институтида режиссёрларнинг тарбиясида режиссёрларнинг сароб бердим. Бир неча режиссёрларни таъбиқ қилдим. Бунинг юзидан кўнунчи, нҳиятда хурсандлигим — уша шогирдларимдан олти нафари ҳозир республика театрларини бошқараяпти: Ўзбек Миллий академик драма театрида Аскар Холмўминов бош режиссёр. У ҳозирга қадар миллатимизнинг энг катта театрида бир неча яхши спектакль қўйди. Бунини томошабинларига эмас, театр мутахассислари ҳам бот-бот таъйиқлаб келмоқда. Жиззах вилояти театрида Шохруҳ Йўлдошев, Андижон вилояти ёшлар театрида Гўёсиддин Мирзамухоммов, Нукус академик мусикали драма театрида Мухтор Реймов бош режиссёрлик қилаяпти. Ўзбекистон давлат драма театрида ҳам бир неча шогирдим узим билан бирга ишлаяпти.

Утган йили театримиз хузурида ёш режиссёрларнинг ижодий лабораториясини очиб, юртимиздаги барча ёш режиссёрларни йиғдик, улар билан ўн қўнлаб суҳбатлар қилдик, ижодий режалар туддик. Ишончим қомил, бу ёшлар, албатта, ўз сўзини айтади. Зеро, ҳозирданқ улар сахналаштирган спектакллар катта театр фестивалларида қатнашиб, юксак баҳоларга лойиқ топилади. Мен уларнинг театрга, ўз касбига садоқатли эканини биланман, бунини қилаётган ишларига кўраман. Булар, дарҳақиқат, ўзбек режиссураимизнинг келажиги. Фақат уларни эҳтиёт қилиш, имконият яратиш, маънан ва моддий рағбатлантириш зарур. Уларнинг олдида кўп вазибалар турибди. Айрим омилар уларни театрдан бездириши мумкин. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, бу касбга ўргатиб бўлмайди, асл режиссёр туғилади.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Муножат МҲМИНОВА суҳбатлашди.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1264.  
80849 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нархда.

"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова  
Мусаҳҳих: Шероод Махмудов  
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй